



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 7 август, № 161 (7391) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

МЎЙНОҚ ҚАЙНОҚ ҲАЁТ ОҒУШИДА



Таассуфки, мустақиллик тонгидан кейин ҳам ҳудуд эътибордан четда қолиб кетверди. Бу тенденция мўйноқликларнинг шундоқ ҳам буқилган қаддини янада чўктирди, келажакка бўлган ишончини сўндирди. Шу боис замонавий Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида, энг аввало, айна шундай муаммолар ечими кун тартибининг биринчи навбатдаги масаласи сифатида қўйилди.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида, энг аввало, айна шундай муаммолар ечими кун тартибининг биринчи навбатдаги масаласи сифатида қўйилди. Кўпчилик таҳлилчилар Шавкат Мирзиёев сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири сифатида Орол-

бўйи минтақасига қаратилётган эътиборни алоҳида кўрсатишади. Бунда жон бор. Негаки, давлатимиз раҳбари Президент сифатидаги фаолиятининг илк паллаларидаёқ Оролбўйига сафар уюштирди. Минтақа аҳли ҳаётини кескин ўзгартириш бўйича зарур чора-тадбирларни ўзида мужассам қилган дастурий вазифалар белгиланиб, жадаллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Энг муҳими, бу борадаги ислохотлар бугун ўз амалий натижаларини кўрсатаётир.

Дарҳақиқат, ҳозир Мўйноқ катта эътибор, улкан ғамхўрлик, ижобий ўзгаришлар, қайноқ ҳаёт оғушида. Юз бераётган бемисл бунёдкорликлар ҳар бир мўйноқликни Ватанга янада садоқат билан хизмат қилишга ундапти.

Жумладан, шу кунларда Мўйноқ туманининг "Бўзатов" ва "Мадели" овул фуқаролар йиғинларини таъширувчи автомобиль йўлида қурилиш майдони, бунёдкорлик масканига айланб кетди. Хусусан, ташир чогида Орол денгизининг қуриган майдонида 500 минг гектар ерда саксув экиш вазифаси ҳам белгиланган эди. Утган йилнинг охирида қиришилган ушбу хайри ишда мамлакатимиз виллоятларидан ҳашарчилар фаол иштирок этиб, қисқа фурсатда — атиги уч-тўрт ойда оламшумул ишлар амалга оширилди.

ОЛИЙ МАЖЛИС КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ БОШҚАРИШ ТАРТИБИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

2019 йил 6 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Депутатлар ишни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишдан бошлади. Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, инвестициявий жозибдорликни ошириш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси ҳам айна мақсадга қаратилган бўлиб, у билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини

«Халқ сўзи» учун эксклюзив

Серикбай ҳожи ўРАЗ, Қозоғистон бош муфтийси:

ДИН МОҲИЯТИНИ ТЎҒРИ АНГЛАШ ЖАМИЯТГА КАТТА ФЙДА КЕЛТИРАДИ

Евросийнинг бепоён ҳудудларида қозоқлар қадимдан ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб келган. Кенг яилларда чорвачиликни ривожлантирган қозоқлар савдо-сотик, хунармандчилик каби соҳаларда ўзбеклардан ибрат олишган. Қадимийликда халқларимиз мисрликлардан қолишмаслиги борасида талай тарихий маълумотлар гувоҳлик беради.



От суриб, ўтов тикиб, табиат билан уйғун ҳолда яшаб келган қозоқ ва ўзбек халқларига хос бўлган самимийлик, бағрикенглик, мардлик сингари инсоний фазилатлар туркий улусларнинг қадим тош битикларида ҳам ўз ифодасини топганини эндиликда фарзандларимиз тарих дарсликлари орқали яхши билишади. Хуллас, келиб чиқиш ва ривожланиш тарихи халқларимизнинг муштарак жиҳатларини намоён этади. Бугун биз ҳамкорликнинг янги босқичига қадам қўйдик. Бир даврда ўз мустақилли-

ТЕСТ СИНОВЛАРИ

Олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонлари бошланганига, мана, бир ҳафтадан ошди. Ҳўш, мазкур жараёндаги шаффоқлик ва адолатдан абитуриентларнинг кўнгли тўлаётими? Тақдирларда катта бурилиш ясайдиган ушбу масъулиятли давр ҳақида ота-оналарнинг фикри қандай? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида пойтахтимиздаги тест синовлари бўлиб ўтаётган "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар мажмуасига ташир буюрдик.

Шаффоқлик ва адолатдан абитуриентларнинг кўнгли тўлаётими?



Жараён

Эҳтиёт бўлинг, «паравоз» — видеофиксация

Билимларини синовдан ўтказишга ошиқётган абитуриентлар белгиланган павильонга етиб боргунча уч ҳудудда андак сабр қилишига тўғри келади. Улар ҳар бир текширув пунктида тегишли органлар ходимлари томонидан металлдетекторлар ҳамда махсус ускуналар ёрдамида текширилмоқда. Хотин-қизларни кўздан кечириш учун махсус йўлақлар ташкил қилинган. Уларда тегишли органларнинг аёл ходимлари ишлапти.

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИДА СУСТКАШЛИКЛАР

БУНГА НИМА САБАБ БЎЛМОҚДА?

Харакатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида мамлакатимиз тараққиёти ва юрт фаровонлигига оид кенг қўламли вазифалар ҳал қилинмоқда. Хусусан, дастурнинг ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишларида 100 та банд белгиланган бўлиб, иккинчи чоракда йигирмата банддаги топшириқларни бажариш кўзда тутилган.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссия ҳузуридаги мониторинг гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида ижроси биринчи ва иккинчи чоракларда таъминланиши белгиланган ўн та банддаги топшириқлар ҳамон бажарилмаганлиги аниқланди. Шунингдек, ижроси йил давомида таъминланиши бел-

Семинар-тренинг САЙЛОВГА ОИД БИЛИМЛАРНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ ЁНДАШУВ

Шу йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига навбатдаги сайловлар бўлиб ўтади.

Мазкур сиёсий жараённинг адолат тамойиллари асосида, юқори савияда ташкил этилиши ва ўтказилишида, табиийки, сайлов участкалари фаолларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Чунончи, сайловларда бево-сива катнашадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ташкилий назорат гуруҳлари раҳбарлари, Адлия вазирлигининг вилоятлар бошқармалари, туман-шаҳар бўлиmlари бошлиқлари, ҳудудлардаги сайлов комиссиялари котиб-

ят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтаётган сайловларда сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитиш учун экспертлар ва тренерлар гуруҳини тайёрлаш, уларнинг сайлов қонунчилигига оид билимларини мукаммаллаштириш, янгиликлардан хабардор қилишдан иборат бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Маҳмуд Истамов. — Ҳар қандай тадбирни ўтказишдан олдин унинг дастурини қизқарли ва интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш ва шу асосда машғулотларни ташкил қилиш лозим.

Янгилик

АСАКАДА ЯНГИ МОДЕЛДАГИ АВТОМОБИЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Асака шаҳрида янги моделдаги автомобилларни ишлаб чиқариш учун 2,1 трлн. сўм сарфланади. Бу Вазирлар Маҳкамасининг "2019 — 2022 йилларда Андижон вилоятининг sanoat салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан белгиланган бўлиб, улар ичида энг йиригидир. Бунинг учун "Джи Эм Ўзбекистон" АЖ маблағлари, хорж кредити ва чет эл

инвестициясини йўналтириш режалаштирилган. 2022 йил мартда ишга тушиши мўлжалланган ушбу лойиҳа рўёбга чиқса, қўшимча 800 та янги иш ўрни яратилади.

